SHAHRISABZ SHAHAR HOKIMINING QARORI

2020 йил “ 20 ” июль HQ-861/07-сон Шаҳрисабз шаҳри

Йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги ““Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-348-сонли *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)*қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 23-модда; 2017 й., 36-сон, 958-модда)*қарори ижросини таъминлаш, шунингдек,кейинги йилларда Шаҳрисабз шаҳрининг автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг сони кескин ортиб, йўлларда тирбандликлар ҳосил бўлиши натижасида йўл транспорт ҳодисалари кўплаб содир бўлаётганлигини инобатга олиб, шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси қисмига кириш йўлида автомобилларнинг ҳаракатини тартибга солиш ва ҳудудда фаолият олиб борувчи тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиш мақсадида, Шаҳрисабз шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасининг 2020 йил 15 июндаги bvq-06/61-сонли хати ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6,25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасининг 2020 йил 15 июндаги bvq-06/61-сонли хати инобатга олинсин.

2. Шаҳрисабз шаҳар, 4Р23Л “Китоб-Шаҳрисабз” автомобиль йўли, Ипак Йўли кўчасидан “Янги Кеш озиқ-овқат деҳқон” бозори бўйлаб шаҳар

Ёнғин хавфсизлиги бўлими кириш йўлига 3.27 “Тўхташ таъқиқланган” йўл белгиси ўрнига 3.28 “Тўхтаб туриш таъқиқланган”таъқиқловчи йўл белгиси ўрнатишга рухсат этилсин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан шаҳар ҳокимининг 2020 йил 28 январдаги Х-70/01-сонли қарори ўз кучини йўқотган ҳисоблансин.

4. Шаҳрисабз туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (У.Азизов) ушбу йўл белгисини ўрнатиш чорасини кўрсин.

5. Шаҳрисабз шаҳар ИИБ ЙҲХБ (С.Умаров)га мазкур автомобиль йўлида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш вазифаси юклатилсин.

6. Шаҳар ҳокимлиги девонхонаси (Р.Қаюмов), мазкур қарорни “Кеш” газетасида нашр этилишини ва шаҳар ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилишини, қоғоз ва электрон шаклларда, бир кунлик муддатда, тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларига етказилишини ташкиллаштирсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Т.Тошев зиммасига юклатилсин.

8. Қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Шаҳар ҳокими **Т.Каримов**

ДЕВОНХОНА

АСЛИГА ТЎҒРИ